

«Xalqaro Hamkorlik Markazi» AK
Акциядорлари навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2016 йил “2” июндаги
1 - сонли қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Акциядорлик Жамияти шаклидаги
«Xalqaro Hamkorlik Markazi» компанияси
УСТАВИ
(Янги тахрирда)

Тошкент шаҳри – 2016й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Акциядорлик Жамияти шаклидаги «Xalqaro Hamkorlik Markazi» компаниясининг (бундан буён матнда “Компания” деб юритилади) Устави Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда “Қонун” деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 апрелдаги 156-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Корпоратив бошқарув кодекси асосида ишлаб чиқилган.

2. Компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 апрелдаги 156-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 2000 йил 19 июндаги 36-П-сонли буйруғи ва Таъсис йиғилишининг 2000 йил 20 июндаги 1-сонли мажлис баёнига мувофиқ тузилган.

3. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

3.1. ўзбек тилида:

лотин алифбосида: Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi «Xalqaro Hamkorlik Markazi» kompaniyasi;

кирилл алифбосида: Акциядорлик Жамияти шаклидаги «Xalqaro Hamkorlik Markazi» компанияси;

3.2. рус тилида: Компания «Xalqaro Hamkorlik Markazi» в форме акционерного общества;

3.3. инглиз тилида: «Xalqaro Hamkorlik Markazi» company in the form of joint-stock company.

4. Компаниянинг қисқартирилган номи:

4.1. ўзбек тилида:

лотин алифбосида: «Xalqaro Hamkorlik Markazi» АК;

кирилл алифбосида: «Xalqaro Hamkorlik Markazi» АК;

4.2. рус тилида: АК «Xalqaro Hamkorlik Markazi»;

4.3. инглиз тилида: JSC «Xalqaro Hamkorlik Markazi».

5. Компаниянинг жойлашган ери ва почта манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-Б-уй.

6. Компаниянинг расмий веб-сайти: www.ibc.uz

7. Компаниянинг электрон почта манзили: info@ibc.uz

II. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

8. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир. Компаниянинг асосий даромадлари офис ва бошқа бино-иншоатларни ижарага бериш, протокол тадбирларини ўтказиш, транспорт хизматларини кўрсатиш, дивиденд, хўжалик фаолияти натижалари бўйича даромадлардан ва қонун билан таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил топади.

9. Компаниянинг асосий мақсадлари:

9.1. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишига, республика билан хорижий давлатларнинг ишбилармон ва молиявий доиралари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ўзининг тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятини, кредит-молия сиёсатини амалга ошириш йўли билан кўмаклашиш;

9.2. Республикада аккредитациядан ўтган хорижий фирмалар, компаниялар, банк ва бошқа хорижий ва халқаро ташкилот ҳамда тузилмаларнинг юқори даражадаги самарали фаолияти учун қулай ва халқаро стандартларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш;

9.3. Акциядорлар манфаатлари учун ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириш йўли билан, шунингдек, Компаниянинг молиявий назорати ва мувофиқлаштирувчи мустақил хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ўзининг филиаллари, ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналари шу жумладан, Компания иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятдан фойда олиш.

10. Компаниянинг асосий мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

10.1. Хорижий компания ваколатхоналарини, фирма, қўшма корхона ва банкларни, бошқа чет эллик ва халқаро ташкилот тузилмаларни ҳамда жисмоний шахсларни (Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари) жойлаштириш учун хоналар, бинолар, иншоотлар ва ускуналарни ижарага бериш;

10.2. Ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда турли хизматлар кўрсатиш;

10.3. Ташқи иқтисодий, ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш;

10.4. Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида халқаро, тематик ва ихтисослашган кўргазмалар, ярмаркалар, аукционлар, тақдимот маросимлари, семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, ўтказиш ва уларда иштирок этиш;

10.5. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг корхона ва ташкилотларига ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

10.6. Маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларга воситачилик, консалтинг, лизинг, маркетинг, молия, қонунчиликка мувофиқ фоизли ва фоиссиз қарзлар бериш, дистрибьюторлик, агентлик, дилерлик, хизматларини кўрсатиш;

10.7. Ўзининг хусусий ёки ижарага олинган майдонларида товар ва хизматлар савдосини, шу жумладан фирма савдосини нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоб асосида ташкил қилиш;

10.8. Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида қонун томонидан рухсат берилган ҳар қандай тижорат операцияларини, шу жумладан, лизинг операцияларини молиялаштиришни ташкил қилиш ва унда иштирок этиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмалари ҳамда жисмоний шахслар билан биргаликда ҳар қандай молия-траст (ишониб

топшириладиган), ишлаб чиқариш - тижорат, факторинг, холдинг операцияларида улуш қўшиш асосида иштирок этиш;

10.9. Умумий овқатланиш объектлари (ресторанлар, кафетерийлар, барлар, буфетлар ва бошқалар) фирма дўконлари ва киоскалари тармоқлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари фаолиятини ўзининг ҳамда ижарага олинган базаларида ташкил қилиш ва амалга ошириш;

10.10. Корхоналар, ташкилотлар, хорижий фирмалар ва жисмоний шахсларга ўз тасарруфидаги, ижарага олинган ва шахсий транспорт воситалари билан транспорт хизматларини кўрсатиш, шунингдек, транспорт воситаларини ижарага бериш (шу жумладан лизинг ва ижара шартномаларига асосан) ҳамда ўз тасарруфидаги ёки ижарага олинган базаларида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш.

10.11. Ўзбекистон Республикасига (хорижий давлатларга) иш юзасидан ва хусусий ташриф билан келаётган хорижий шахсларга (чет элга бораётган ўзбекистонлик фуқароларга) хизматлар мажмуини кўрсатиш (шу жумладан, кутиб олиш ва кузатиш, меҳмонхонадаги жойларни, транспортни, авиа ва темир йул чипталарини брон қилиш, визага доир ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, музокаралар уюштириш ва ҳоказо).

10.12. Ўзининг қимматбаҳо кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек бошқа моддий ва номоддий активлари билан турли операцияларни амалга ошириш;

10.13. Меҳмонхоналар, туристик ва дам олиш ҳудудларини ташкил этиш, авиакасса, интернет-провайдер хизматлар мажмуини кўрсатиш;

10.14. Халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар куриш, қайта куриш ва ундан фойдаланиш;

10.15. Ўзбекистон Республикасида бўлганидек, хорижда ҳам жисмоний ва юридик шахсларга ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш ва ҳайрия ёрдамини кўрсатиш;

10.16. Ишлаб чиқариш, тижорат, матбаа, полиграфия (ташриф қоғозлари, буклетлар, плакатлар, журналлар, календарлар, даврий нашрлар, ўқув қўлланмалари, реклама, сувенир махсулотларининг дизайни ва ишлаб чиқарилиши) фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш.

11. Компания қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

12. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

13. Компаниянинг ташқи иқтисодий фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. КОМПАНИЯ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

14. Компаниянинг устав фонди 50 965 327 140 (эллик миллиард тўққиз юз олтмиш беш миллион уч юз йигирма етти минг бир юз қирқ) сўмни ташкил этади ва у қуйидаги тартибда тақсимланган:

- давлат улуши (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги) - 80,87 фоиз, 41 218 132 340,00 сўм ёки 34 637 086 дона акциялар;

- бошқа акциядорлар улуши - 19,13 фоиз, 9 747 194 800,00 сўм ёки 8 190 920 дона акциялар.

15. Компания Устав фонди 42 828 006 (қирқ икки миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти) дона оддий акцияга бўлинган.

а) Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш

16. Компаниянинг устав капитални кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

17. Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

18. Кўшимча акциялар фақат Компания уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.

19. Компания устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1190 (бир минг бир юз тўқсон) сўм бўлган 8 559 211 (саккиз миллион беш юз эллик тўққиз минг икки юз ўн бир) дона оддий акциялардан иборат.

20. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

21. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

22. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

23. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

24. Компаниянинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитални (кўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда) ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

25. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Компания устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Компания акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

26. Компания томонидан пул маблағлари билан тўланадиган ва акцияларга айирбошланадиган акция ва бошқа эмиссиявий қимматбаҳо қоғозлар жойлаштирилган тақдирда, унинг акциядорлари - овоз берувчи акция эгалари, уларни ўзларига тегишли бўлган акциялар сонига пропорционал тарзда сотиб олиш бўйича устувор ҳуқуққа эга бўладилар.

б) Компаниянинг устав капиталини камайтириш

27. Компаниянинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

28. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Компания устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

29. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРГА ДИВИДЕНД ТЎЛАШ ТАРТИБИ

30. Компаниянинг акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда юритилади.

31. Компания акцияларининг 50 (эллик) ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Компания акцияларига эгаллик қилмаган ёки акцияларининг 50 (эллик) фоизидан камроғига эгаллик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт.

Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Компаниянинг 50 (эллик) ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

32. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

33. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

34. Компания томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг

хуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

35. Компания бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди.

36. Одий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. КОМПАНИЯНИНГ ЗАҲИРА ФОНДИ

37. Компания соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Компания фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

38. Компаниянинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

39. Компания устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

40. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

41. Компания бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

VII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

42. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

43. Компания ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Компания акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июн ойининг иккинчи жумасида ўтказилади.

44. Компаниянинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

42. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- Компаниянинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги қарор;

- бошқарув раиси, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар:

- Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ Компаниянинг йиллик ҳисоботи

- Компания Бошқаруви ва кузатув кенгашининг ҳисоботлари, шу жумладан Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги;

- Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқиши мумкин.

45. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

46. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

47. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

• Компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

• Компанияни қайта ташкил этиш;

• Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

• Компания кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

• эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

• Компаниянинг устав капиталини камайтириш;

• ўз акцияларини олиш;

• Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

• Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компания бошқарув органлари тўғрисида ички низомларни тасдиқлаш;

- Компаниянинг кундалик хўжалик фаолиятига таълуқли бўлган битимларни белгилаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Компаниянинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал

иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Компания бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

48. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

49. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Компания корпоратив веб-сайтида ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Агар Компания акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

50. Компания Акциядорлар умумий йиғилиши Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

51. Компания кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

52. Компания кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

53. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кириди:

- Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Компаниянинг бошқарув аъзолари ва раисини сайлаш (тайинлаш),

уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шўъба ва тобе хўжалик Компанияларини ташкил этиш (улар акциядорлик Компанияи ёки масъулияти чекланган Компанияи шаклларида тузилади);

- корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқариш ва уларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш (тасдиқлаш);

- Қонунда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг мол-мулки бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш, шу жумладан бошқа акциядорлик Компанияларнинг акцияларни олиш ва бегоналаштириш бўйича қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Компания уставга Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015

йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик Компаниялари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошқор этган тарзда қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Компания ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

54. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига (еттига) кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

55. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

56. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Компания Бошқаруви раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

57. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

58. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

59. Компаниянинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга;

60. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

61. Қонуннинг 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Компания кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

62. Мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин.

63. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

64. Компанияда корпоратив қонунчиликка риоя этилишини назорат қилувчи ва кузатув кенгашига ҳисоб берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозими киритиши мумкин.

65. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

IX. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

66. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

67. Бошқарув Компаниянинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компания Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

68. Компания бошқарувининг раиси Компания номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Компания номидан битимлар тузади, Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

69. Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

70. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган Бошқарув аъзоси ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

71. Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

72. Бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномасини Компания номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

73. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания

фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

74. Компания кузатув кенгаши Компаниянинг бошқарув аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

75. Бошқарув раиси ваколатига қуйидагилар киради:

- Компания ташкилий тузилмаси доирасида ишчи ва ходимлар сонини белгилаш;

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Компания тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича Компания соф активлари миқдорининг 15 ёки ундан кам фоизини ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- Компаниянинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш.

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Компания номидан битимлар тузиш, Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Компаниянинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Компанияда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Компания архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

76. Бошқарув ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

77. Бошқарув раиси ўз жойида бўлмаган вақтда (таътилга чиққанда, хизмат сафарига кетганда, вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганда) Бошқарув раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишончномасиз унинг аъзоларидан бирига Бошқарув раисининг қарори асосида ўтади.

78. Бошқарув мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

Х. КОМПАНИЯНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

79. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Компания тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

80. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Бошқарув молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

81. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

82. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Компаниянинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир Компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

83. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

84. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

85. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

86. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Компания тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

XI. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

87. Компания активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

88. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, мазкур уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

89. Ички аудит хизмати юридик шахслар билан, шу жумладан устав капиталининг 50 фоиздан кўпроғи Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ички назоратни амалга оширади.

90. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

91. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш мақсадида Компанияда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин, ушбу қўмита ташкил этилган тақдирда унинг ташкилий харажатлари Компания ҳисобидан қопланади.

92. Компания акциядорлари, шу жумладан миноритар акциядорлари овоз беришда уларнинг биргаликдаги позицияларини шакллантириш юзасидан акциядорлик битимларини имзолаш ҳуқуқига эгалар.

93. Бир фоиздан кам бўлмаган оддий акция эгалари Компания кузатув кенгаши йиғилишини чақириш ҳамда йиғилиш кун тартиби, Компания соф фойдасини тақсимлаш, бошқарув органлари таркибига номзодлар киритиш, уларни акциядорлар умумий йиғилишига қадар бошқасига ўзгартириш имконияти билан бирга, берилади.

94. Компаниянинг миноритар акциядори бошқарув органлари фаолиятига улардан асоссиз равишда ҳужжатларни талаб қилиш ва махфий маълумотлар, тижорат сирларидан фойдаланиш орқали ҳалақит беришига рухсат этилмайди.

95. Компания томонидан қўшимча акциялар чиқарилган тақдирда унинг акциядорларига уларнинг Компания устав капиталидаги улушларига мос равишда акциялар сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

96. Компаниянинг барча акциядорларига уларга тегишли улушлардан, даромад даражасидан, жинси, ирқи, эътиқоди, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва Компаниядаги мавқеъидан қатъий назар бир хил муносабат ўрнатилади.

97. Компания томонидан ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес-режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда Компаниянинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 (ўн) фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга оширилади.

98. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

99. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

100. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“Xalqaro Hamkorlik Markazi” акциядорлик компанияси

Бошқаруви раиси

Б.А.Зуфаров

(имзо)